

ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«КАТТАҚ'РГОН YOG-MOY» АЖ кузатув кенгаши ва раҳбариятига (Каттақурғон ш., Давлатобод кўчаси, 121, Х/рақами 20210000700434259001, «Ориент Финанс ХАТБ», банк коди 01111, СТИР 200720966, ХХТУТ 18121.

Биз, МЧЖ шаклидаги «KOMIL-ISHONCH» аудиторлик ташкилоти (реквизитлар: 140100, Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 1-уй, ЎзР Молия вазирлиги томонидан 26.02.2008 йилда берилган барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказиш ҳуқуқини берувчи лицензия АФ № 00121, 2007 йил 20 декабрда берилган 513-сон гувоҳнома, х/р 20208000503941081001 «Савдогар» банк Самарқанд вилоят филиали, код 00286, СТИР 202631355, ХХТУТ 84400, тел.(99891) 520-65-83, 520-64-48, Urazov-davlat@rambler.ru, UZBEKINVEST» ЭИМК томонидан 26.02.2019 йилдан 25.02.2020 йилгача бўлган давр учун берилган А 309271- сонли суғурта полиси) директори Баймурадов Химмат Вайдуллаевич (сертификат № 05405, ЎзР Молия вазирлиги томонидан 20.08.2016 йилда берилган) ва аудитори Эшалиев Шавкат Мардонович (сертификат № 05205, ЎзР Молия вазирлиги томонидан 26.04.2014 йилда берилган) 2019 йил 28 мартда мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича тузилган № КК-1 шартнома асосида

«КАТТАҚ'РГОН YOG-MOY» АЖ НИНГ

(хўжалик юритувчи субъектнинг номи)

Бухгалтерия баланси, молиявий натижалар, пул оқимлари ва хусусий капитал тўғрисида ҳисобот шаклларида иборат 2018 йил 1 январдан 31 декабргача бўлган давр учун тузилган молиявий ҳисоботи ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз, ««КАТТАҚ'РГОН YOG-MOY» АЖнинг илова қилинган молиявий ҳисоботини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Биз аудиторлик текширувини бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект

«КАТТАҚ'РГОН YOG-MOY» АЖ НИНГ

(хўжалик юритувчи субъектнинг номи)

2018 йил 1 январдан 31 декабргача бўлган давр учун тузилган молиявий ҳисоботлари барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ шаклидаги «KOMIL-ISHONCH»
аудиторлик ташкилоти директори



Баймурадов Х.В.

МЧЖ шаклидаги «KOMIL-ISHONCH»
аудиторлик ташкилоти аудитори



Эшалиев Ш.М.



2019 йил 25 апрель